

Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1440-ҳадис

1440 - وَعَنْ سَعْدِ بْنِ أَبِي وَقَّاصٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ يَتَعَوَّدُ دُبْرَ الصَّلَاةِ هَذُلَاءِ الْكَلِمَاتِ: «اللَّهُمَّ! إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْجُبْنِ، وَأَعُوذُ بِكَ أَنْ أُرَدَّ إِلَى أَرْذَلِ الْعُمُرِ، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الدُّنْيَا، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ فِتْنَةِ الْقَبْرِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ [2822].

1440. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ортидан мана шу калималардан паноҳ тилардилар: «Аллоҳумма! Иннии аъузу бика минал-жубни, ва аъузу бика ан уродда илаа арзалил-умури, ва аъузу бика мин фитнатид-дунйаа, ва аъузу бика мин фитнатил-қобри».

Дуонинг маъноси: «Аллоҳим! Мен қўрқоқликдан Сенинг паноҳингга қочаман, нотавон ҳаётга қайтарилиб, абгор ҳаётга тушиб қолишдан Сенинг паноҳингга қочаман, дунё фитнасидан Сенинг паноҳингга қочаман, қабр фитнасидан Сенинг паноҳингга қочаман».

Имом Бухорий ривояти.

Шарҳ: Бу ҳадисдан ва шунга ўхшаш ҳадислардан ўрганганимиздек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонлар учун жуда хавfli бўлган баъзи масалаларда Аллоҳдан паноҳ сўраганлар, шунингдек бизларни ҳам бу нарсалардан қатъиян сақланишимиз ва Аллоҳдан паноҳ сўрашимиз кераклигини ўргатганлар. Кейинги ҳадислардаги «Дуолар» бўлимида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг нималардан паноҳ сўраганларини ўрганамиз.

Бу ҳадисда биринчи қўрқоқликдан узоқ туришимиз ва улардан сақланиш учун Аллоҳдан паноҳ сўрашлигимизни тавсия қилинмоқда. Қўрқоқлик, ўзини керагидан кўпроқ яхши кўриб, баъзи илоҳий амрларни қилмасликдир. Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш, инсонларга яхшиликни буюриб, ёмонликдан қайтариш, керак пайтда бир золим кимсанинг ҳузурида ҳақ сўзни айтиш ва нафсига қулчилик каби нарсаларни амалга оширмаслик билан

алоқалидир. Ҳолбуки мусулмонга ўта ошириб юбормаган ҳолатда жасорат, мардлик ва қўрқмаслик ярашади. Бошқа ривоятларда ҳадис лафзида қўрқоқликдан кейин бахилликдан ҳам паноҳ тилангани зикр қилинади. Бахиллик эса қўлидаги неъматларни керакли пайтда сарфламаслик. Бой бўлишига қарамасдан бойликка ўчлиги туфайли улардан Аллоҳ йўлида сарфламаслик, олим бўлганига қарамасдан танбаллиги туфайли асар ёзмаслик ёки инсонларга илм улашиб, насиҳат қилмаслик бахилликдир. Ҳолбуки инсон, Жаноби Ҳақнинг бу дунёда баъзи инсонларгагина насиб қилган давлат ва илмга ўхшаган неъматларини охират ҳаётини яхшилаш учун сарфлаши керак эди.

Нотавон ҳаётга қайтарилиб, абгор ҳаётга тушиб қолишдан Сенинг паноҳингга қочаман. Ҳадис лафзидаги «Арзалил умури» Қуръони Каримдан бир терминдир. Икки оятда инсоннинг ҳаёт тарзи ҳақида баён қилингандан кейин, баъзи инсонларнинг илмли бўлатуриб илмсиз ҳолатга келиши учун арзалил ўмури (умрининг энг заифлигига) қайтарилиши айтилади. (Наҳл сураси, 70-оят; Ҳаж сураси, 5-оят)

Инсоннинг қариб, кучсиз бўлиб, бошқаларнинг қўлига қараб уларнинг ёрдамига муҳтож бўлиб, билганларини унутиб ёш болага ўхшаб қолганида ҳамда ожизлик, кучсизлик, билимсизлик ва тушунмаслик пайдо бўлган пайтлари, «арзалил умури» деб айтилган кунлардир. Пайғамбаримиз айтганларидек, Аллоҳдан бизни бундай аҳволга тушурмаслигини тилаб ёлворишимиз керак.

Дунё фитнаси жуда кўп. Мол-давлат, нафсимизга ёққан турли нарсалар, ҳатто инсонни бошқаларга муҳтож қилиб қийин аҳволга туширган фақирлик ҳам дунё фитналаридандир. Буларнинг барчаси инсонга охиратни унуттирган, инсоннинг вазифаларини унуттирган, алақситган нарсалар. Бу ҳадисни ривоят қилган муҳаддисларнинг бири дунё фитнасининг Дажжол эканлигини айтган. (Имом Бухорий, даъват боби).

Шунингдек, бошқа ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дажжол фитнасининг дунё фитналарининг энг каттаси эканлигини айтганлар. (Ибн Можа, Фитан боби).

Буюк Роббимиз ҳаммамизни унинг шарридан сақласин.

Қабр фитнаси эса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг паноҳ сўраган хавфларидан биридир. Фаришталар ўлганларнинг барчасини сўроқ қилиши билан бошланган қабр ҳаёти, яхши қуллар учун ҳузурлидир. Дунёдаги вазифаларини бажармаганлар учун эса азобли бир бошқа оламдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳолатни шундай баён қиладилар: «Қабр жаннат боғларидан бир боғ ёки жаҳаннам чуқурларидан бир чуқурдир». (Термизий, Қиёмат боби).

Ҳадисни ривоят қилган Саъд ибн Абу Ваққос (р.а.) бу зикрга жуда аҳамият берган ва болаларига ҳам худди бир устознинг шогирдига ҳарфларни ўргатгани каби жиддийлик билан таълим бергани айтилади. Кўп қизи бўлган Саъд, фарзандаларининг дунё ва охират саодатига етиши учун қанчалик аҳамият берганини ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннاتини бажарганини кўришимиз мумкин.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI